



## САЙЛОВНИ КУЗАТУВЧИЛАР ЧЕКЛАНГАН МИССИЯСИ Ўзбекистон Республикаси – Парламент сайловлари, 21 декабр, 2014 йил

### ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ХУЛОСАЛАР БАЁНИ

**Тошкент шахри, 2014 йил 22 декабр** – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифи ҳамда ўз мандатига асосланган ҳолда ЕХХТ/ДИИХБ Сайловни кузатувчилар чекланган миссиясини (СКЧМ) 2014 йил 21 декабр куни ўтказилажак Парламент сайловларини кузатиш учун сафарбар қилди.

Сайловлар ЕХХТ тартиб-қоидалари демократик сайловлар бўйича бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартлар ҳамда маҳаллий қонунчиликка риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланди. Ушбу “Дастлабки натижалар ва хулосалар баёни” сайлов жараёни якунланишидан олдин тақдим этилди. Сайловлар бўйича якуний баҳолаш қисман сайлов жараёнининг қолган қисмлари қандай амалга оширилганлиги, жумладан натижаларнинг тартибга келтирилиши ва эълон қилиниши ҳамда, шунингдек сайловнинг эртасига топширилиши мумкин бўлган эҳтимолий шикоятлар ва мурожаатларни ҳал қилинганлигига асосланган ҳолда тайёрланади. ЕХХТ/ДИИХБ ўз якуний ҳисоботини сайлов жараёни якунлангач тахминан саккиз ҳафтадан сўнг тақдим этади ва унда тадбиқ этилиши мумкин бўлган тавсиялар ҳам ўрин олган бўлади.

ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ бўйича стандарт услубиётига асосланган ҳолда миссияга узок муддатли кузатувчилар киритилди ва унда қисқа муддатли кузатувчилар иштирок этмадилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайлов куни жараёнларининг системали кузатувини амалга оширмади, аммо муайян миқдордаги сайлов участкаларига ташриф буюрди.

### ДАСТЛАБКИ ХУЛОСАЛАР

2014 йилги парламент сайловлари компетентлик асносида ўтказилди, аммо уларда ҳақиқий сайлов рақобати ва мунозаралари кузатилмади. Мусобақалашаётган тўртта партиянинг барчаси давлатни кўллаб-кувватловчи ва давлат томонидан кўллаб-кувватланувчи бўлиб, уларни бир-бирига рақобатчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи дейиш мумкин. Қонунларга киритилган сўнгги ўзгартиришлар ҳамда сайловларни ташкил этишдаги катта бўлмаган такомиллаштиришлар ва барча сиёсий партиялар томонидан ёшроқ номзодларнинг таклиф этилиши парламентнинг ролини кучайтириш ва янада рақобатбардош сиёсий мухитни яратиш томон кўйилган қадамлар сифатида талқин этилди. Аммо, айни чоғда уларда сайловлар халқаро мажбуриятлар ва стандартларга тўлиқ мос келиши учун жуда мухим бўлган фундаментал эркинликлар билан боғлиқ бўлган асосий масалалар эътибордан четда қолдирилган. Сайлов кампанияси совуққонлик билан ўтказилди ва жиддий чекланишларга учраган оммавий ахборот воситалари сайлов масалалари бўйича ҳақиқий ва танқидий мунозаларни ташкил этмади. Овоз бериш ва натижалар ҳисоб жараёни самарали ва ошкора тарзда ўтказилди. Лекин бир неча шахслар

номидан овоз бериш ҳолатлари кўплаб учради ва мазкур ҳолатлар жавобгар шахслар томонидан эътиборсиз қолдирилди.

Сайловлар бўйича қонуний базага киритилган сўнгти ўзгартиришларда ЕХХТ/ДИИХБ томонидан олдин тақдим этилган тавсияларнинг баъзилари инобатга олинган хамда сайлов кампанияси фаолиятлари ва овоз бериш жараёнлари бўйича муфассалроқ тартиб-коидалар киритилган. Аммо, олдинги асосий тавсияларнинг бир талайи, шу жумладан, сўз эркинлиги ва уюшиш эркинликларига тааллуқли бўлган тавсиялар тадбиқ этилмаган. Бундан ташқари, мустақил номзодларнинг сайловда қатнашиши таъкидланиши, номзодлик бўйича яшаш жойи билан боғлиқ чегаралашлар ва ҳибсга олинган шахсларнинг овоз бериш ҳуқуқлари чекланиши кабилар ўзгаришсиз қолган.

Марказий сайлов комиссияси (МСК) сайловларга техник тайёргарлик жараёнини масъулиятли равишда ва белгиланган муддатларга риоя қилган ҳолда бошқарди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ томонидан ташриф буюрилган сайлов комиссияларида ўз вазифаларини бажариш учур керакли бўлган барча маълумотлар ва ресурсларни олганликларини маълум қилдилар ва сайлов қонунлари борасида яхши билимга эга эканликларини намойиш этдилар. МСК ўз ишидаги шаффофлик даражасини ошириш ва сайловлар бўйича оммани хабардор қилиш борасида фаол ишларни амалга оширди. Аммо, МСКнинг баъзи қарорлари кенг оммага эълон қилинмаган ва улар билан фақат талаб асосида танишиш мумкин. Сайлов маъмуриятида, айниқса унинг юқорироқ даражаларида аёлларнинг иштироки улуши кам.

Марказий сайлов реестри мавжуд бўлмай, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойларидаги рўйхатларга киритилган. Сайловчилар рўйхатларининг сифатига сайловдаги манфаатдор тарафлар томонидан эътиroz билдирилмади, аммо сайловчиларнинг умумий рўйхати мавжуд эмаслиги бир сайловчининг бир-неча ўринда рўйхатдан ўтиши эҳтимолини текшириш имконини бермайди. Хорижда яшаётган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчиларнинг нечтаси мамлакатдаги сайловчилар рўйхатларига киритилгани ноаник.

Сайловда қатнашиш учун номзодлар сиёсий партиялар томонидан таклиф этилган бўлишлари лозим. МСК сайловда иштирок этаётган номзодлар томонидан тақдим этилган имзолар намуналарини текшириб чиқди ва уларда хеч қандай муаммо аниқланмаганлигини маълум қилди. Номзодлар ичida аёллар ва кам сонли миллатлар вакилларининг улуши қонун томонидан талаб этилган 30 фоиздан бир оз юқори бўлди.

Қонунга кўра номзодларнинг сайлов билан боғлиқ бўлган харажатлар давлат томонидан қопланади. Сиёсий партияга давлат томонидан ажратиладиган маблағ мазкур партия рўйхатга олган номзодлар сонига боғлиқ ва ушбу маблағ миқдори ўтган сайловдаги маблағ миқдорига нисбатан сезиларли даражада ошган. Номзодлар ва сиёсий партиялар ўз сайлов кампаниялари доирасидаги тадбирларни маҳалла қўмиталари ва сайлов комиссиялари ёрдамида ва улар билан келишган тарзда амалга оширилар. Номзодлар ва

сиёсий партияларнинг сайлов кампаниялари доирасидаги тадбирлар яхши молияланди, ташкил этилди ва узулишларсиз амалга оширилди.

Нотўғри маълумотларни, жумладан депутатликка номзодлар тўғрисида шундай маълумотларни тарқатишни таъкидаш борасидаги қонуний талабларнинг мужмаллиги, уларнинг турлича талқин этиш мумкинлиги, конституцияда кафолатланган сўз эркинлиги таъминланишига тўскенилик килиши эҳтимоли мавжуд. Бу оммавий ахборот воситаларига сайлов масалалари бўйича кучли оммавий мунозараларни ўтказиш имконини бермади. МСК сиёсий партияларга бир хил микдордаги бепул эфир вақти ва давлат нашларидаги нашр майдонларини тақдим этиш бўйича ўз қонуний мажбуриятини бажарди ва бунга шу жумладан, ижобий ҳисобланмиш, сиёсий партиялар ўртасидаги хафталик мунозаларнинг телевидение орқали намойиш этилиши ҳам киритилди. Аммо, ЕХХТ/ДИИҲБ СКЧМ барча мониторинг остидаги оммавий ахборот воситаларида сайлов кампаниясининг муҳаррирлик ёндошуви асосидаги ёритилиши жиддий даражада этишмаслигини қайд этди.

Сайлов мунозараларини ҳал этиш тизими деярли синовдан ўтмаганлигича қолмоқда. Умуман олганда, муаммоларнинг расмий йўллардан кўра, норасмий тарзда ҳал этилиши афзал кўрилади. Бугунги кунга қадар на МСК, на ОСКлари ва на судларга сайлов кунидан олдин сайлов жараёни бўйича ҳеч қандай расмий шикоят келиб тушмаган.

МСК 300 дан ортиқ ҳалқаро кузатувчиларни аккредитация қилди. Сиёсий партиялар эса сайлов куни 70 мингдан ортиқ вакилларини сафарбар қилдилар. Аммо, олдинги тавсияларга қарамасдан ҳамда ЕХХТ нинг 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген Ҳужжати талабларига зид равишда қонунчиликда фуқаролик ташкилотлари томонидан кузатув олиб борилиши мумкинлиги назарда тутилмаган бўлиб, бу жараённинг шаффофлигини чеклайди.

Овоз бериш ва натижалар ҳисоб жараёни самарали ва ошкора тарзда ўтказилди. ЕХХТ/ДИИҲБ СКЧМ кузатувчилари ташриф буюрган деярли барча сайлов участкаларида бир неча шахслар номидан овоз бериш ҳолатларини кўплаб учратдилар ва мазкур ҳолатлар жавобгар шахслар томонидан эътиборсиз қолдирилди. Бу ўз навбатида сайловда иштирок этиш кўрсаткичига таъсир этган бўлиши мумкин. МСК маълумотига кўра сайловда рўйхатга киритилган умумий сайловчиларнинг 88 фоизи қатнашди. Кузатувчилар ташриф буюрган барча сайлов участкаларида натижалар ҳисоб жараёни яхши ташкиллаштирилган, аммо баъзи тартибий ҳолларда жиддий хатоликларга йул кўйилганлиги таъкидланди. ЕХХТ/ДИИҲБ СКЧМ кузатувчилари ташриф буюрган фақатгина баъзи ОКСларда сайлов натижаларни аниклаш жараёни ошкора тарзда ўтказилди.

## **КУЗАТИШНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ**

### **Муқаддима**

Конституцион ва қонуний талабларга мос равишда 21 декабр куни Олий Мажлиснинг қуий палатасига депутатлар сайловлари ўтказилди. Мазкур сайловлар демократизация жараёнини янада жадаллаштириш йўналишидаги салмоқли қадам ҳамда асосий эътиборни хавфсизлик ва барқарорликнинг давомийлигини таъминлаш шароитида олиб борилди. Шунингдек ушбу сайловлар сиёсий партияларнинг ва парламентнинг ролини кучайтириш ҳамда янада рақобатбардош сиёсий муҳитни яратишга қўшилган хисса сифатида талқин килинди.

Олий Мажлис қуий палатасининг ўз ишини якунлаётган жорий таркиби 51 та ўринга эгалик қилган Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси (ЎзЛиДеП), 30та ўринни эгаллаган “Миллий Тикланиш” Ўзбекистон Демократик Партияси (ЎДП), 29 ўринга эга бўлган Халқ Демократик Партияси (ХДП) ва 15 та ўринни эгаллаган “Адолат” Ўзбекистон Социал Демократик Партияси (СДП)дан иборат эди. Қонунга асосланган ҳолда қўшимча 15 та ўрин Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎЭХ)га тақдим этилган.

### **Сайлов тизими ва ҳуқуқий база**

Мамлакат парламенти икки палата – 100 нафар аъзога эга бўлган Сенат ва 150 нафар аъзога эга бўлган қуий палатадан иборат. Ҳар иккала палата аъзолари беш йил муддатга сайланадилар. Сенат таркиби 12 та худудий кенгашлар, Тошкент шахри ва Қорақоғистон Республикасидан билвосита равишда сайланган 84 та аъзо ҳамда Президент томонидан тайинланувчи 16 та сенатордан ташкил топган. 21 декабр куни сайловчилар қуий палатага 135 та аъзони бир мандатли сайлов округлари бўйича кўпчилик овози асосида сайладилар. Ундан ташқари 15 та депутат Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎЭХ) томонидан унинг анжуманида билвосита равишда сайланди. Қонунчилик палатаси аъзоларининг билвосита равишда сайланиши EXXT нинг 1990 йилги Копенгаген Ҳужжатининг 7.2 параграфига мос келмайди<sup>1</sup>. Қонунга асосан, агар сайловчилар рўйхатига киритилган овоз берувчиларнинг 33 фоиздан ками сайловда қатнашса, сайловлар бир ой ичida қайтадан ўтказилади. Ютиб чиқиш учун бевосита сайланган номзодлар берилган овозларнинг кўпчилигига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, номзодлар ичida етакчилик қилаётган икки номзод ўртасида икки ҳафта ичida иккинчи раунд сайлови ўтказилади. Сайловнинг якуний тури ҳисобга олиниши учун унда қатнашган сайловчиларнинг якуний сони бўйича талаб мавжуд эмас.

Парламент сайловларининг қонуний базаси сўнгги марта 2014 йилнинг апрел ойида ўзгартиришлар киритилган Конституция, сўнгги бор 2012 йилнинг декабр ойида

<sup>1</sup> Копенгаген Ҳужжатининг 7.2 параграфига қаранг. Унда EXXTга аъзо давлатлар “Миллий қонунчиликнинг энг камида битта палатасида барча ўринлар тўлалигича халқнинг овоз бериши асосида тақсимланишини таъминлаши” лозимлиги кўрсатилган.

ўзгартиришлар киритилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги” қонуни (Сайлов қонуни), сўнгги марта 2014 йилнинг сентябр ойида ўзгартиришлар киритилган “Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси тўғрисидаги” қонуни, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги” қонун, “Сиёсий партиялар тўғрисидаги” қонун, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги” қонун, Жиноят Кодекси, сўнгги бор 2014 йилнинг август ойида ўзгартиришлар киритилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ҳамда МСКнинг норматив хужжатларидан иборат.

Сўнгги сайловлардан кейин ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришларнинг баъзиларида ЕХХТ/ДИИХБ томонидан олдин тақдим этилган тавсиялар инобатга олинган. Хусусан, сайлов кампанияси фаолияти билан боғлиқ бўлган тартиб-қоидаларга тўлдиришлар киритилди. Шунингдек, муддатидан олдин овоз бериш жараёнларига таалуқли бўлган бир қатор кафолатлар тадбиқ этилган бўлиб, улар муддатидан олдин берилган овозларнинг тўлалигича инобатга олинишининг таъминланишига қаратилган. Эндиликда тергов изоляторларида овоз бериш имкониятлари қонун томонидан назарда тутилган. Аммо, қонунларга киритилган ўзгартиришларнинг баъзилари ҳаддан зиёд мураккаб тарзда баён этилган бўлиб, барча тарафларга бир хилда осон тушунарли бўлишлари учун улар янада аниқ ва лўнда тилда ифода мақсадга мувофиқ бўлар эди<sup>2</sup>.

“Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс”га сайловлар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича янги боб қўшилди<sup>3</sup>, аммо маъмурий жавобгарлик бўйича иш ким томонидан қўзғатилиши мумкинлиги масаласи мужмал бўлиб қолган. Бундан ташқари, номзодлар ва сиёсий партиялар тўғрисида нотўғри маълумотлар тарқатишни таъқиқлаш борасидаги киритилган моддалар ихтиёрий тарзда турли равишда талқин этилиши эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, сайлов кунидан олдинги уч кун давомида ва айнан сайлов куни омма фикри сўровномаси натижалари, сайлов натижалари прогнозлари

<sup>2</sup> ЕХХТ/ДИИХБ ва Евropa Комиссиясининг Қонунлар орқали демократизация кенгаси (Венеция Комиссияси)нинг 2012 йил 14-15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Сайловлар тўғрисидаги» қонунига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси вилоят, туман ва шахар ҳалқ депутатлари кенгашларига сайловлар тўғрисидаги» қўшимчалар ва ўзгартиришлар лойиҳаси бўйича Кўшма Хулосасининг куйидаги интернет манзилида келтирилган матнiga қаранг: <http://www.osce.org/odihr/elections/98277?download=true>

<sup>3</sup> 511 – 519 Моддаларда сайловни бошқариш органлари ишига аралашув, уларнинг қарорларига бўйсунмаслик, сайлов кампанияси шартлари ва тартибларига риоя қиласлик, шу жумладан сайлов кампаниясини молиялаш, номзодлар ва сиёсий партиялар тўғрисида нотўғри маълумотлар тарқатиш, сайлов кампанияси материалларини қасдан вайрон қилиш ёки уларга шикаст етказиш, омма фикри сўровномаси натижаларини ва сайлов натижалари тўғрисидаги прогнозларни чоп этиш тартиб-қоидаларини бузиш каби ҳуқуқбузарликлар камраб олинган.

ҳамда давом этаётган сайловлар билан боғлиқ бўлган бошқа тадқиқотларни чоп этишни таъкидлаш бўйича киритилган янги талаб сўз эркинлигини асоссиз равишда чегаралайди<sup>4</sup>. Қонунларга киритилган сўнгги ўзгартиришларда EXXT/ДИИХБ нисбатан янада фундаментал бўлган тавсияларидан бир қатори инобатга олинмаган. Инсоннинг асосий ҳуқуқларига тааллукли бўлган тавсиялар шулар жумласига киради. Сўз эркинлиги ҳуқуқининг Конституция асосидаги кафолатлари сайлов кампанияси самарали бўлиши ва сайловчиларнинг танловни маълумотга эга бўлган ҳолда амалга оширишларининг асосий шартларидан биридир. Аммо улар шу қадар иборалар ва ифодаларда баён этилганки, конституцион тартиб ёки сиёсий тузум тўғрисидаги ҳар қандай танқидий қарашлар жазо чоралари кўрилишига олиб келиши мумкин<sup>5</sup>. Шунингдек, уюшиш эркинлиги, жумладан, сиёсий партия ташкил этиш ҳуқуқи ҳам ихтиёрий ва ҳаддан зиёд кенг чеклашларга сабаб бўлиши мумкин. Қонунда сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этилиши, унинг фаолияти тўхтатиб қўйилиши ёки унинг тарқатиб юборилиши учун сабаб бўлувчи аниқ асослар келтирилмаган<sup>6</sup>. Адлия вазирлиги (АВ) тақдим этган маълумотларга кўра, сўнгги

<sup>4</sup> “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро битим”нинг 19-моддасига БМТ Инсон ҳуқуқлари кўмитаси (БМТИҲҚ) тақдим этган 34-Умумий изоҳнинг 2-, 20- ва 22-абзацларига қаранг. Унда ҳар бир эркин ва демократик жамиятда фикр ва сўз эркинлиги таъминланиши ўта муҳим аҳамиятта эга эканлиги ҳамда ушбу эркинликларнинг ҳар қандай чекланиши аниқ чегараларга эга бўлиши лозимлиги таъкидланади. Ўзбекистон БМТИҲҚнинг 1-Факултатив Протоколига 1995 йилда аъзо бўлиши орқали Инсон ҳуқуқлари кўмитаси жисмоний шахслардан мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини тасдиқлади. Бундан ташқари, EXXT томонидан 1990 йилда қабул қилинган “Копенгаген ҳужжати”нинг 9.1-параграфига асосан “ҳар бир инсон сўз эркинлиги ҳуқуқи, хусусан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ муайян фикрларга эга бўлиш ҳамда маълумотлар ва фикрларни давлат органларининг аралашувисиз ва чегаралардан қатъий назар қабул қилиш ва ошкор қилиш эркинлигини ҳам ўз ичига олади”. Шунингдек, EXXT/ДИИХБ ва Венеция Комиссияси “Қўшма Хулосаси”нинг 7-бетига қаранг.

<sup>5</sup> Мамлакат Конституциясининг 29-моддасида шундай дейилади: “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллукли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”.

<sup>6</sup> “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида шундай дейилади: “агар сиёсий партиянинг устави, максадлари, вазифалари ва фаолият услуби Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса...бу партия рўйхатга олинмайди. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 10- ва 11-моддаларида “сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, ушбу Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларини ёки ўз уставини бузган тақдирда” унинг фаолияти ярим йил муддатга тўхтатиб қўйилишига ва агар фаолияти тўхтатиб қўйилганидан сўнг бир йил муддат ичida ўша хатти-ҳаракатлар тақороран содир этадиган бўлса, унинг фаолияти тугатилишига олиб келиши мумкинлиги баён этилган. Ушбу борада ижобий тажриба намунаси учун EXXT/ДИИХБ ва Венеция Комиссияси томонидан қўшма тарзда 2010 йилда қабул қилинган “Сиёсий партияни бошқаришга оид йўрикномалар”ининг 68-параграфига қаранг. Унда “сиёсий партияни рўйхатга олишнинг рад этилиши учун сабаблар қонунда аниқ баён этилган бўлиши ва холис мезонларга асосланган бўлиши лозимлиги” тавсия этилади. Шунингдек, мазкур Йўрикномаларнинг 96-параграфида партия фаолиятини тўхтатишга асос бўлиши мумкин бўлган сабабларнинг кенг рўйхати келтирилган.

парламент сайловларидан кейин ўтган давр мобайнида янги партияни рўйхатга олиш бўйича ҳеч қандай ҳаракат амалга оширилмаган.

Сиёсий фаолиятларнинг унчалик жадал бўлмаганлиги сабабли бир қатор қонун хужжатлари, жумладан, очиқ жойларда кампания ҳаракатларини амалга ошириш, фуқароларнинг кампания ўтказиш ҳуқуқлари, шикоят ва арз тартиблари ҳамда сайлов билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлган қонун хужжатлари ҳали синааб кўрилмаган.

### **Сайловларнинг ташкилий шакли**

Ушбу сайловлар уч даражадан иборат бўлган сайлов бошқаруви томонидан ташкил этилди: МСК, бир мандатли сайлов округлари сонидан келиб чиқсан ҳолда 135 та Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК) ва 9 035 та Участка Сайлов Комиссиялари (УСК), жумладан 36 та мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарда жойлашган 44 та сайлов пунктлари<sup>7</sup>. МСК доимий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун янгидан тузиладилар. Сиёсий партиялар аъзолари ҳар қандай даражадаги сайлов комиссияларида ишлиши таъкидланган. Конституцияга яқинда киритилган ўзgartаришларга кўра МСКга конституцион орган мавқеъи берилди ва мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик унинг асосий принциплари қилиб белгиланди. МСК аъзолари худудий кенгашларнинг тавсиясига асосан Парламентнинг иккита палатаси томонидан чекланмаган муддатта тайинланади. МСК раиси комиссия аъзолари орасидан Президентнинг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади. Бугунги кунда МСКнинг 18 аъзосидан 3 таси аёллардан иборат. Комиссиянинг энг узоқ хизмат қилаётган аъзоси 1998 йилдан буён ишлаб келаётган бўлса, 2014 йилнинг апрел ойида МСКнинг 10 та аъзоси тайинланди. Комиссиянинг тўртта аъзоси доимий аснода ишлайди ва қолган аъзолари ўриндошлик асосида ишлайдилар ва бундай аъзолар ўз худудларида яшаб, пойтактга Комиссия мажлисларида қатнашиш учун келиб турадилар.

МСК сайловларга техник тайёргарлик жараёнини масъулиятли равишда ва белгиланган муддатларги риоя қилган ҳолда бошқарди. Худудий кенгашларнинг тавсиялари асосида МСК округларнинг чегараларини ҳар бир округдаги сайловчиларнинг ўртача сони 154 минг кишидан иборат бўлиши асосида белгилади. Аммо округлар орасида уларнинг ҳажми бўйича салмоқли тафовутлар мавжуд<sup>8</sup>. МСК 9 октябр куни 135 та ОСКга 1 463 кишини тайинлади. ОСКлар даражасида аёлларнинг улуши кам бўлиб улар ОСК аъзоларининг 20 фоизга яқинини ташкил этадилар.

<sup>7</sup> Ушбу сайлов участкалари жойлашган манзиллар рўйхати қўйидаги саҳифада келтирилган:  
<http://elections.uz/en/events/news/3156/>

<sup>8</sup> Энг кичик сайлов округида 107 мингта яқин сайловчи (Навоий вилоятидаги 36-сонли Зарафшон ОСКда), энг йиригига 183 минг атрофидаги сайловчи қамраб олинган (Сурхандарё вилоятидаги 74-сон Денов ОСК).

ОСКлар маъмурий-худудий чегаралар, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар сони ҳамда маҳаллий кенгашлар ёки сайловчилар вақтинча яшаётган муассасаларнинг раҳбарлари тавсияларига асосланган холда 9 035 та сайлов участкасини ташкил қилди<sup>9</sup>. Қонунга кўра сайлов участкаларида 20 тадан 3 000 тагача сайловчилар қамраб олиниши кераклиги тўғрисида умумий қоида мавжуд бўлишига қарамасдан, ЕХХТ/ДИИҲБ СКЧМ томонидан ушбу миқдордан сезиларли даражада кўпроқ сайловчилар қамраб олинган сайлов участкалари мавжудлиги кузатилди. Баъзи ҳолларда бу *маҳалла*<sup>10</sup> етакчилари томонидан маҳаллаларни турли сайлов участкаларига бўлмаслик тўғрисидаги тавсиялари асосида юзага келди. УСКда хизмат қилишлари учун ОСКлар томонидан 90 минг киши тайинланган бўлиб, уларнинг 44 фоизи аёллардан иборат. УСКлар 5 тадан 19 тагача аъзодан ташкил топган.

ЕХХТ/ДИИҲБ СКЧМ томонидан ташриф буюрилган ОСК ва УСКлари ўз вазифаларини бажариш учур керакли бўлган барча маълумотлар ва ресурсларни олганликларини маълум қилдилар ва сайлов қонунлари борасида яхши билимга эга эканликларини намойиш этдилар, гарчи баъзан уларни турлича талқин этган бўлсаларда. МСК томонидан сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ва сайлов тартиблари бўйича ўқув-машғулотлар ташкил этилган бўлиб, уларда комиссия раислари, уларнинг ўринbosарлари ҳамда комиссияларнинг бошқа аъзоларини ўқитишига масъул бўлган ОСК ва УСКларнинг котиблари ўқитилди.

Маҳалла қўмиталари сайлов маъмуриятига маҳаллий миқёсда ёрдам беришда, шу жумладан, сайлов худудлари чегараларини белгилаш, сайлов комиссиялари аъзоларини танлаш ҳамда сайловчилар рўйхатини тузишда муҳим рол ўйнадилар. Бир талай УСКларида комиссия раислари ва аъзолари айни вақтда маҳалла қўмитаси раиси ёки аъзоларидан иборат бўлди.

Сайлов куни овоз бериш имконига эга бўлмаган сайловчилар учун 6 -19 декабр оралиғида муддатидан олдин овоз бериш ташкил этилди. ОСК тақдим этган маълумотларга кўра, МСК жаъми 103 948 та муддатидан олдин овоз бериш бюллетенларини чоп этди ва тарқатди. Бу умумий сайловчилар сонининг 0,5 фоизига тенг. Сайлов маъмуриятининг ҳар қандай даражаси томонидан муддатидан олдин овоз берганлар инсонларнинг умумий сонини эълон қилишни талаб этувчи ҳеч қандай қонуний асос мавжуд эмас. Ташриф

<sup>9</sup> Муассасалар раҳбарияти тавсиялари асосида ОСК шунингдек сайлов кунидан беш кун олдинга қадар бўлган вақт ичида ҳарбий бўлинмаларда, тергов изоляторларида, шифохоналарда, санаторийларда ҳамда соғлиқни саклаш ва хордиқ чиқариш муассасаларида, шунингдек узок ва етиб бориш қийин бўлган жойларда маҳсус УСКларни тузишлари мумкин.

<sup>10</sup> “Маҳаллалар” анъанавий Ўзбек ҳамжамиятлари тизими бўлиб, улар мазкур ҳудуд аҳолисининг кундалик ҳаётини бошқарадилар ҳамда давлат ва ҳамжамият ўртасидаги алоқани таъминлаб туришга хизмат қиласидилар. Уларнинг роли 1993 ва 1999 йиллардаги “Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги” конун (“Маҳалла қонуни”)да расмийлаштирилган. Маҳалла қўмитаси қарорларига риоя қилмаслик қонунан жазоланади

буорилган УСКлар бундай имкониятга нисбатан катта қизиқиш билдирилмаганлик ҳакида маълумот берилди. Муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари оддий бюллетенларнинг рангидан бошқа рангда чоп этилган ва бу муддатидан олдин овоз берувчилари кам бўлган УСКларда овозларнинг маҳфийлигига хатар тўғрдириши мумкинлиги тўғрисидаги ташвишни юзага келтиради.

Қонунда бюллетенларни чоп этиш ОСКлари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган бўлсада, улар МСК томонидан чоп этилган бўлиб, бунга сабаб факат давлат босмахонасидагина бюллетенларда назарда тутилиши лозим бўлган барча хавфсизлик хусусиятлари таъминлашини мумкинлиги ва шунингдек уларни тарқатишни ҳам тўлалигича назорат этиш имконияти шундай ҳолдагина мавжуд бўлишидан иборат. Сайлов куни тарқатилган сайлов бюллетенларининг умумий сонида қонунда кўрсатилганидек рўйхатдан ўтган сайловчилар умумий сонига нисбатан 0,5 фоиз қўшимча миқдор назарда тутилган<sup>11</sup>.

МСК ўз ишидаги шаффоффлик даражасини ошириш ва сайловлар бўйича оммани хабардор килиш борасида фаол ишларни амалга ошириди. Жумладан бу МСКнинг ўз интернет сахифаси, Республика Матбуот Маркази (айнан ушбу сайловлар учун ташкил этилган), баннерлар, видео лавҳалар, ёзма матнлар ҳамда сиёсий партиялар вакиллари, маҳалла етакчилари, аёллар ва ёшларга қаратилган тадбирлар орқали амалга оширилди. МСКнинг фаолияти ва матбуот конференциялари ўз вақтида оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилди. МСК мажлислари аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар вакиллари ва халқаро кузатувчилар учун очиқ бўлди ҳамда ундаги асосий қарорлар оммавий ахборот воситаларида чоп этилди ва МСКнинг интернет сахифасига ҳам жойлаштириб борилди. Аммо МСКнинг баъзи қарорлари оммага эълон қилинмади ва уларни EXХТ/ДИИХБ СКЧМ нинг талаби асосидагина олишга эришилди.

### **Сайловчиларни рўйхатга олиш**

18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда ўз овозларини бериш ҳукуқига эгалар, аммо агар фуқаро суд қарорига асосан ушбу ҳукуқдан маҳрум қилинган бўлса ёки у бирон ҳукуқбузарлик туфайли қамоқда сақланаётган бўлса бундан мустасно ҳисобланади. Овоз бериш ҳукуқининг бирон жиноятни амалга оширганлик туфайли чекланиши EXХТ нинг 1990 йилги Копенгаген Ҳужжатининг 24-параграфида ҳамда демократик сайловлар бўйича бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларда баён этилган пропорционаллик тамойилларига мос келмайди<sup>12</sup>.

<sup>11</sup> Жаъми миқдори 20 893 548 та сайлов бюллетенидан 15 554 432 таси кирил ёзуvida, 3 888 608 таси лотин ёзуvida, 864 119 таси рус тилида ҳамда 586 390 таси қорақалпоқ тилида чоп этилди. Бошқа сайлов материаллари ҳам кам сонли миллатлар тилларидан ҳам чоп этилди.

<sup>12</sup> EXХТ нинг 1990 йилги Копенгаген Ҳужжатининг 24-параграфида қуйидагича баён этилади: “демократик жамиятда ҳукуклар ва эркинликларнинг чегараланиши бу борадаги қонун

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтингчалик рўйхатга ўтган яшаш жойларидағи сайловчилар рўйхатига киритилганлар. Марказий сайлов реестри мавжуд бўлмай, ҳар бир сайлов бўйича маълумотлар маҳаллий бошрқарув органлари (ҳокимликлар)дан УСКларга тақдим этилади. УСКлар маҳалла қўмиталари ёрдамида уйма-уй юриб, сайловчилар рўйхатларини текшириб чиққанликлари ва бу айни вақтда сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериш ёки сайлов куни кўчма сайлов кутиси хизматидан фойдаланиш борасидаги истакларини аниқлаганликлари маълум қилинди.

МСК сайловчиларнинг дастлабки умумий сони 20 789 572 кишини ташкил этганлигини ҳамда уларнинг сайлов округлари бўйича таркибини эълон қилди. Мамлакат бўйича сайловчиларнинг сайлов участкалари бўйича сони эълон қилинмади. Сайловчилар рўйхатларининг сифатига сайловдаги манфаатдор тарафлар томонидан эътиroz билдирилмади, аммо сайловчиларнинг умумий рўйхати мавжуд эмаслиги бир сайловчининг бир-неча ўринда рўйхатдан ўтиши эҳтимолини текшириш имконини бермайди.

Сайловчилар рўйхатлари УСКларда 6 декабрдан бошлаб эълон тахталарига жойлаштирилди. Махсус УСКларда улар 14 декабрдан бошлаб эълон қилиндилар. Бу сайловчиларга рўйхатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш ва ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш имконини берди. Ташириф буюрилган УСКларда камдан-кам сайловчилар ушбу имкониятдан фойдаландилар. На МСК ва на ОСКлари томонидан сайлов кунидан олдин сайловчилар рўйхатларига киритилган ўзгартиришларнинг умумий сонини эълон қилмадилар. Айни чоғда сайловчиларнинг умумий сони ўзгаришсиз қолди.

Сайлов куни, сайловчилар рўйхатидан ўчирилган ва ўзларининг мазкур участка ҳудудида яшашларига далил келтирган сайловчилар қўшимча рўйхатга киритилдилар ва овоз бериш

---

вазифаларидан бирига мос бўлиши ҳамда мазкур қонун мақсадига қатъий равища пропорционал бўлиши лозим”. Шунингдек, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро битим”нинг 25-моддасига БМТИҲҚ тақдим этган 25-Умумий изоҳнинг 14-абзацияга каранг. Унда овоз бериш ҳукуқидан маҳрум этиш учун сабаблар “холис” ва “асосланган” бўлиши лозимлиги талаб этилади. Ундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Судининг “*Scoppola v. Italy (No.3)* [GC], no. 126/05, 22 May 2012” ва “*Hurst v. The United Kingdom (No.2)* [GC], no. 74025/01, 6 October 2005”. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди “*Hurst v. The United Kingdom (No.2)*” иши бўйича 2005 йил 6 октябрда чиқарган хукмида маҳбусларнинг қилган жиноятнинг оғирлик даражаси ва қамоқ жазосига маҳкум қилинган муддатидан қатъий назар уларни овоз бериш ҳукуқидан маҳрум қилиш ножоиз ва сайловларда қатнашиш ҳуқуқига зиддиги кўрсатилган. (“*Hurst v. The United Kingdom (No.2)* [GC], no. 74025/01” иши билан қуидидаги манзилда танишиш мумкин: [www.echr.coe.int](http://www.echr.coe.int)).

имконига эга бўлдилар. Бу ҳолат халқаро миқёсда қабул қилинган ижобий амалиётга зид бўлиб, бундай амалиётда сайловчиларни сайлов куни рўйхатга олиш тавсия этилмайди<sup>13</sup>. Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) келтирган маълумотларга кўра, МСК хорижда яшаётган сайловчилар рўйхатига 13 280 киши киритлганлигини эълон қилган. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМси сухбатдошларидан аксарияти мамлакатдан ташқарида яшаётган фуқаролар сони бир неча миллион кишини ташкил этиши мумкинлигини билдирилар<sup>14</sup>. Улардан нечтаси мамлакатдаги сайловчилар рўйхатига киритилганлиги маълум эмас. ТИВ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча сайловчилар олдиндан рўйхатга киритлмасдан туриб ҳам дипломатик ваколатхоналарда овоз бериш ҳуқуқига эга эканликларини ва бунда сайлов бюллетенлари етмай қолиш мумкинлиги борасида ҳеч қандай хаворитга ўрин йўқлигини таъкидлади. Хориждаги сайлов пунктларида овоз берган барча сайловчиларнинг овозлари Тошкент шахридаги 126-сайлов участкасида йиғилган овозларга қўшилди.

### **Номзодларни рўйхатга олиш**

Ёши 25 дан кам бўлмаган ва сайлов қунига қадар мамлакатда камида сўнгги беш йил давомида яшаган Ўзбекистон фуқаролари номзод бўлишлари мумкин. Айни чоғда бу халқаро битимлар шартларига ва ижобий амалиёт тартибларига зиддир<sup>15</sup>. Мамлакат Конистиуциясига кўра, бирон бир жиноят содир қилганлик учун қамоқхонада жазо муддатини ўтаётган фуқаролар сайловда ўз номзодларини қўйиш имконига эга эмаслар. Бу эса ЕХХТга аъзолик бўйича қабул қилинган шартлар ҳамда демократик сайловлар борасидаги бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларга зиддир<sup>16</sup>. Бундан ташқари, суд карори асосида овоз беришга лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун ҳали жазо муддатини ўтаб бўлмаган, хизматдаги ҳарбийлар ёки хавфсизлик хизмати ходимлари ва диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари номзодлик ҳуқуқига эга эмаслар.

<sup>13</sup> Венеция Комиссияси “Ижобий амалиёт кодекси”нинг 1.2-абзацига қаранг. Унда куйидагилар таъкидланади: “сайловчилар рўйхатлари доимий бўлиши керак” ва “рўйхатга олиш сайлов куни сайлов участкасида амалга оширилиши мумкин эмас”.

<sup>14</sup> Россия Федерациясининг Федерал Миграция Хизмати томонидан 4 декабр ҳолатига келтирилган маълумотларга кўра Россия Федерациясида 2,28 миллионга яқин Ўзбекистон фукароси расмий рўйхатта кўйилган бўлиб, улардан 2,1 миллионга яқини 18 ёшга тўлган. Қуйидаги манбаъга қаранг: <http://www.fms.gov.ru/about/statistics/data/details/54891/>.

<sup>15</sup> БМТИҲҚ тақдим этган 25-Умумий изоҳнинг 15-абзацига қаранг. Унда хусусан шундай дейилади: “сайловда қатнашиш ҳуқуқининг ҳар қандай чекланиши ...холис ва мантикий бўлган меъзонларга кўра асосланиб берилувчи бўлиши лозим. Бошқа барча жиҳатларга кўра сайловда иштирок этиши мумкин бўлган инсонлар асосга эга бўлмаган ёки дискриминация сабабидан, масалан [...] яшаш ўрни [...]га кўра сайловда иштирок этишдан четлатилмасликлари лозим.” Шунингдек, Венеция Комиссияси “Ижобий амалиёт кодекси”нинг 1.1-абзацининг (с) пунктига қаранг. Унда “муайян жойда яшаш муддати бўйича талаб, мамлакат фуқароларига факат маҳаллий ёки худудий сайловларда қатнашишлари бўйича қўйилиши мумкин.”

<sup>16</sup> 13-изоҳга қаранг.

Сайловларда қатнашишлари учун депутатликка номзодлар шунингдек МСК томонидан рўйхатга олинган сиёсий партиялардан бири томонидан таклиф қилинган бўлишлари керак. ЕХХТ/ДИИХБнинг олдинги тавсияларига қарамасдан ва ЕХХТнинг 1990 йилги Копенгаген Ҳужжатининг 7.5-параграфига зид равишда мустақил номзодлар сайловларда қатнашишлари мумкин эмас.<sup>17</sup> Ўз номзодларини таклиф қилиш учун сиёсий партия сайлов бошланишидан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган бўлиши лозим ва 40 мингта сайловчилардан уни қўллаб-кувватлашларини тасдиқловчи имзоларни йиқкан бўлиши шарт. Битта маъмурий худуддан йиғилган имзоларнинг умумий имзолар сонидаги улуши саккиз фоиздан ошмаслиги шарт. Шунингдек, МСКнинг 2009 йилда қабул қиласан йўриқномасига асосан сайловчи биттадан ортиқ сиёсий партияни қўллаб имзо чекиши мумкин эмас<sup>18</sup>. Имзоларни текшириш бўйича ўрнатилган тартиб-қоидаларда умумий имзоларнинг 15 фоизини ташкил этувчи намуна текширилиши кўрсатилган<sup>19</sup>. МСК хабар беришича сайловда иштирок этаётган номзодлар томонидан тақдим этилган имзолар намуналарини текшириб чиқди ва уларда хеч қандай муаммо аниқланмаганлигини маълум қилди. Расмий рўйхатдан ўтган тўртта сиёсий партиянинг ҳаммаси МСК томонидан рўйхатга олинган.

Қонунга асосан номзодларни рўйхатга олиш жараёни 17 октябрдан 6 ноябрга қадар бўлган вақт давомида амалга оширилди. Номзод фақат бир участка томонидан таклиф этилиши мумкин ва ҳар бир партия битта участкадан фақат биттадан номзодини тайинлаши мумкин. Қонунчиликка асосан ҳар бир партиядан тарғиб қилинаётган номзодларнинг камида 30 фоизи аёллардан иборат бўлиши лозим. Ҳар тўрттала партия 135 та округнинг ҳаммаси бўйича ўз номзодларини тайинлади. Номзодларнинг якуний рўйхати 15 ноябряда эълон қилингунинг қадар бешта номзод ўз номзодини бекор қилгани сабабли МСК томонидан 535 нафар номзод, шу жумладан 170 та аёл номзодлар (31,8 фоиз) рўйхатга олинди. Тўртта партиянинг барчаси асосан янги ва ёшроқ номзодларни таклиф қилдилар. Улар ҳозирдаги парламент аъзоларидан ўртacha 10-15 ёшга ёшроқдирлар. Айни чоғда ҳозирги парламент аъзоларидан 20 фоизга яқини қайтадан сайланиш учун ўз

<sup>17</sup> Копенгаген Ҳужжатининг 7.5-параграфига қаранг. Унга кўра ЕХХТга аъзо давлатлар “фуқароларнинг мустақил равишида ёки сиёсий партиялар ва ё ташкилотларнинг аъзоси сифатида, сиёсий ёки жамоатчилик лавозимларини эгаллаш учун дискриминация қилинмаган ҳолда сайловда қатнашиш ҳуқуқини таъминлашлари лозим”.

<sup>18</sup> Ушбу борадаги ижобий амалиёт намунаси сифатида ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция Комиссияси томонидан 2010 йилда эълон қилинган “Сиёсий партияларни бошқариш бўйича йўриқномалар”нинг 77-параграфига қаранг. Унда “плюрализм ва уюшиш эркинлигини тадбик этиш максадида конунчиликда фукаро томонидан партияни қўллаб имзо қўйиш имконияти факат битта партия рўйхатига чекланмаслиги лозим.”

<sup>19</sup> Венеция Комиссияси “Ижобий амалиёт кодекси”нинг 1.3-абзацида “имзоларни текшириш жараёни том маънода барча имзоларни қамраб олиши лозим”лиги тавсия этилади. Жорий қоидаларга кўра сиёсий партия олинган намунадаги ҳақиқий бўлмаган имзолар сонига асосан дисквалификация қилиниши мумкин ва бунда қолган имзолар қонун талабларига мос келишиликни таъминласа ҳам.

номзодларини таклиф қилганлар. “Ёшланиш” сиёсий партиялар ва парламентнинг ролини янада кучайтириш томон “яна бир қадам” сифатида тақдим этилди.

Қонунда сиёсий партияларга ўз номзодларини сайлов кунидан беш кун олдинга қадар бекор қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, айни чоғда, номзодлар номзодликдан истаган вактда воз кечишлари мумкин. Уч номзод бюллетенлар чоп этилганидан номзодликдан воз кечдилар ва МСК сайлов комиссияларига уларнинг бюллетенлардаги номлари устидан чизиб ўчириш ҳамда уларнинг плакатларини ОСК ва УСК ўринларидан олиб ташлаш бўйича кўрсатма берди.

### **Сайлов кампанияси муҳити**

Қонунга риоя қилинган ҳолда сайлов кампанияси 15 ноябрда бошланди ва 19 декабря тўхтатилди. “Сайлов тўғрисидаги” қонунга 2012 йилда ўзгартиришлар киритилган бўлиб, унда сайлов кампанияси кўринишлари, формалари ва услублари баён қилинган ҳамда агар қонунда таъқиқланмаган бўлса, баён қилинмаган кампания турлари, формалари ва услубларидан фойдаланишга рухсат берилади<sup>20</sup>.

Умуман олганда, сайлов кампанияси совуқконлик билан ўтказилди. Тўртта сиёсий партиянинг барчаси давлатни кўллаб-кувватловчи ва давлат томонидан кўллаб-кувватланувчи партиялардир. Уларнинг ўзлари таъкидлашларича мазкур партиялар Ўзбекистон жамиятининг асосий тўртта қисмининг вакиллари, яъни умуман олганда тадбиркорлар ва фермерлар (ЎзЛиДеП), “зиёлилар” (“Адолат” ЎзСДП), ижтимоий ҳимояга муҳтожлар (ЎзХДП) ва анъанавий қадриятлар тарафдорлари (“Миллий тикланиш” ЎзДП). Шу тариқа уларни бир-бирига ракобатчи эмас, бир-бирини тўлдирувчи дейиш мумкин. Бошқа сиёсий вариантлар бўлмаганлиги туфайли асосий сиёсий муҳит алтернатив сиёсий қарапашлар ифода этилишига мойил эмас бўлиб, натижада бу том маънодаги сайлов ракобати ва мунозаралари мавжуд бўлмаслигига олиб келди. Туманлар даражасида бирмунча ракобат муҳити мавжудлиги кузатилди. У ерда номзодлар депутатликни қўлга киритиш учун фаол ҳаракатларни амалга оширдилар.

Кампания фаолиятларига аралашув ҳолатлари бўйича ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга ҳеч қандай мурожаат келиб тушмади. Номзодлар ва сиёсий партиялар ўз сайлов кампаниялари доирасидаги тадбирларни маҳалла қўмиталари, УСК ва ОСКлар ёрдамида ва улар билан келишган тарзда амалга оширдилар. Сайлов комиссиялари номзодлар ва сиёсий партиялар ўз номзодлари билан учрашишлари учун ўз бино ва иншоотларида фойдаланиш имконини бердилар. Сайлов кампаниясининг асосий мурожаатлари баннерлар, плакатлар, варакалар, бевосита учрашувлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш

<sup>20</sup> Сайлов тўғрисидаги қонуннинг 27<sup>1</sup>, 27<sup>2</sup>, 27<sup>3</sup>, 27<sup>4</sup>-моддаларида сайлов кампаниясининг қонуний чегаралари белгилаб берилган.

усуллари орқали етказилди. Асосий эътибор ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий ривожланишга қаратилди ҳамда осойишталик, бирдамлик ҳамда босқичма-босқич сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш кераклигига ургу берилди. Ушбу сайловлар давомида аёллар ва кам сонли миллатлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмади. Номзодлар ўз сайлов кампанияларида кам сонли миллатлар тилидан эркин фойдаландилар. Сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайлов кампаниялари доирасидаги фаолиятлар яхши молиялаштирилган ва ташкил этилган.

### **Кампанияни молиялаштириш**

Қонунчиликда номзодларнинг сайлов билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар давлат томонидан қопланади ва агар шахсий ҳайриялар бўлса, улар сиёсий партиялар томонидан барча номзодларга тенг бўлиб берилиши учун МСКга тақдим этилиши назарда тутилган. Сиёсий партияга давлат томонидан ажратиладиган маблағ мазкур партия руйхатга олган номзодлар сонига боғлиқ. Ушбу сайловларда мазкур маблағ миқдори ўтган сайловдаги маблағ миқдоридан сезиларли даражада ошган<sup>21</sup>. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берилган маълумотларга кўра ҳозирга қадар хеч қандай шахсий ҳайрия тақдим этилмаган.

Қонунга асосан сиёсий партиялар йилллик молиявий ҳисоботларни мутассадди молиявий бошқарув органларига, яъни Солиқ қўмитаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига тақдим этишлари шарт. Шунингдек, қонунга кўра, сиёсий партиялар сайловдан кейин 20 куни ичida ўз сайлов кампаниялари билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар бўйича МСКга ҳисобот топширишлари лозим. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг йиллик ҳисоботлари МСК, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг парламент сайлови кампанияси мобайнидаги сиёсий партияларнинг молиявий даромадлари ва ҳаражатлари тўғрисидаги баённомалари билан биргаликда Олий Мажлиснинг қуи палатасига, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳузурида топширилади. Ушбу ҳисоботлар сиёсий партиялар томонидан чоп этилиши лозимлиги белгиланган бўлсада, қонунда улар қай кўринишда ва қандай муддатларда чоп этилиши кераклиги борасида аниқ маълумот берилмаган.

### **Оммавий ахборот воситалари**

Умуман олганда, жиддий чекланишларга учраган оммавий ахборот воситалари сайлов масалалари бўйича ҳақиқий ва танқидий мунозаларни уюштирмади. Нотўғри маълумотларни, жумладан депутатликка номзодлар тўғрисида шундай маълумотларни тарқатишни таъкидлаш борасидаги қонуний талабларнинг мужмаллиги, уларнинг турлича талқин этиш мумкинлиги конституцияда кафолатланган сўз эркинлиги таъминланишига

<sup>21</sup> Ўтган сайловларда ҳар бир номзод учун 1 000 060 сўмдан (330 Евро эквиваленти) ҳозирги сайловлардаги 4 833 000 сўмгача (1 600 Евро эквиваленти).

тўсқинлик қилиши эҳтимоли мавжуд. Бу оммавий ахборот воситаларига сайлов масалалари бўйича кучли оммавий мунозараларни ўтказиш имконини бермади<sup>22</sup>. Жиноят Кодексининг шаън ва қадр-қимматга путур етказоанлик учун уч йилгача (президентнинг шаънига путур етказилса, беш йилгача) бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган моддаси журналистларни айблаш учун қўлланилган. Оммавий ахборот муҳити EXXTнинг ОАВ эркинлиги бўйича Вакили томонидан танқид қилинган бўлиб, у қамоққа олинган учта журналистни зудлик билан озод этиш тўғрисида 8 сентябр куни яна бир бор мурожаат қилди<sup>23</sup>. “Нотўғри маълумотларга” нималар кириш борасида аниқликнинг йўқлиги ҳамда Сайлов тўғрисидаги қонунда “оммавий ахборот воситаларида тарқатилган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак”лиги тўғрисидаги мужмал талаблар журналистлар ва сиёsat намояндадарига ўз ҳаракатлари оқибатларини тахмин қилишда қийинчилик туғдирмоқда ва улар ўзларини ўзлари цензура қилишларига олиб келмоқда<sup>24</sup>.

Асосий ахборот манбаълари Россия телевидение каналларидир. Оммавий ахборот воситалари майдони давлатга мансуб, бутун мамлакатга эфир узатиш имконига эга бўлган ягона ОАВ бўлмиш “Миллий телерадио кампания (МТРК)” ҳамда ўқувчилари кам бўлган давлат газеталари томонидан асосан эгалланган. Барча оммавий ахборот воситалари, жумладан босма нашрлар ва телерадио эфирлари, шунингдек интернет саҳифалари Матбуот ва ахборот агентлиги (ЎзМАА) томонидан рўйхатга олинган бўлиши шарт бўлиб, мазкур агентлик ахборотларни назорат қилиб боради<sup>25</sup>. ЎзМАА раиси Бош вазир томонидан тайинланади ва ўз навбатида Раис қолган аъзоларни тайинлайди. Хорижий оммавий ахборот воситалари билан ишловчи журналистлар ТИВ томонидан аккредитация

<sup>22</sup> БМТ Махсус маъruzачисининг фикр ва сўз эркинлигини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш бўйича хисоботининг 19-бетидаги 52-пунктга қаранг. Мазкур хисобот билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин: <http://daccess-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G00/102/59/PDF/G0010259.pdf?OpenElement>.

<sup>23</sup> Қаранг: <http://www.osce.org/fom/123275>. Бундан ташқари «Reporters without Borders» (“Чегара билмас мухбирлар”) томонидан ҳозирда камоқхоналардаги 10 та журналист рўйхати келтирилган. Қўйидаги манзилга қаранг: <http://en.rsf.org/press-freedom-barometer-journalists-imprisoned.html?annee=2014>.

<sup>24</sup> Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг «диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик соялари билан йўғрилган, қирғин солишига ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга давлат этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида саклаш» тўғрисидаги мужмал моддаси маҳаллий масалалар юзасидан хабарлар тайёрлаган журналистларни айблаш учун қўлланилди. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуклар бўйича халқаро битим”нинг 19-моддасига БМТИҲҚ тақдим этган 34-Умумий изоҳнинг қўйидаги манзилда келтирилган матнiga қаранг: <http://www2.ohchr.org/english/bodies/hrc/docs/gc34.pdf>.

<sup>25</sup> Аммо, ахборотни кузатиб бориш билан шугулланувчи бошқа муассасаларнинг таркиби ва ваколатлари тўлалигича ойдин эмас. Судларда Алока, Ахборотлаштириш ва Телекоммуникация Технологиялари Давлат Кўмитаси хузуридаги Мониторинг Маркази вакиллари журналистларга карши кўрсатма бердилар.

килинган бўлишлари лозим<sup>26</sup>. Давлат муассасалари томонидан сўз эркинлиги ҳуқуқига асосиз аралашув оммавий ахборот воситаларида плюрализмнинг де-факто мавжуд эмаслигига олиб келди.

Интернетдаги баъзи нашрлар маҳаллий даражадаги давлат бошқарув органлари бўйича нисбатан танқидий ахборотлар берадилар деган фикр мавжуд. Аммо, давлатни танқид қилувчи хорижий ва маҳаллий онлайн нашрлар мунтазам равишда тўсилади ёки ёпилади. Бунга инсон ҳуқуқлари бўйича баъзи халқаро нодавлат ташкилотларининг интернет сахифалари ҳам мансуб. “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” қонунга киритилган охирги ўзгартиришларга асосан блоггерларга фақат текширилган ва ишончли маълумотларни жойлаштириш масъулияти юкланди ва интернетда “нотўғри” ахборотни жойлаштириш ва уни репост қилиш таъқиланади<sup>27</sup>. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сұхбатдошлари таъкидлашларича ушбу ўзгартиришлар ўз-ўзини цензура қилиш хукмрон бўлган оммавий майдонда ижтимоий ОАВдан фойдаланувчилар ўзларини янада кучлироқ чегаралашларига сабаб бўлмоқда.

МСК сиёсий партияларга бир хил микдордаги бепул эфир вақти ва давлат нашларидаги нашр майдонларини тақдим этиш бўйича ўз қонуний мажбуриятини бажарди. Мониторинг ўтказилган давр мобайнида давлат телевидение каналларида сиёсий тарғибот жаъми 15 соат давомида бепул эфирга узатилди. Аммо, кўшимча эфир вақтини сотиб олиш имкониятидан деярли фойдаланилмади<sup>28</sup>. Ижобий ҳолат сифатида, бепул эфир вақтидан МТРКнинг биринчи канали бўлмиш “Ўзбекистон” телеканалида ҳафталик аснода муайян мавзулар бўйича сиёсий партиялар вакиллари иштирокидаги мунозара дастурлари ҳам ўрин олганлигини қайд этиш мумкин. Мониторинг олиб борилган мунозара дастурларида партиялар дастурларига бир хилда вақт ажратилди ва шундан сўнг мунозараларга ўтилиб, уларнинг давомида баъзан партия вакиллари ўз рақибларининг қарашларига карши ўз фикрларини билдирилар. Бундан ташқари бошқа сиёсий партияларнинг платформларига нисбатан муайян микдордаги танқидий фикрлар бепул тақдим этилган нашр майдонларида ҳам кўзга ташланди. Шуниси мухимки, эфирга узатувчилар томонидан сиёсий реклама аниқ ажратиб кўрсатилмади ва натижада томашабинлар уни мухаррирнинг репортажидан фарқлашлари қийин бўлган ҳолат юзага келди.

<sup>26</sup> 1 декабр ҳолатига кўра ТИВ 24 та журналистни аккредитация қилди. Қуйидаги манзилга қаранг: <http://www.mfa.uz/en/press/aboutpress/328>. Хорижий оммавий ахборот воситалари билан ишлаётган Ўзбекистон журналистлари аккредитациясиз фаолият юргизганларни сабабли ТИВ томонидан жаримага тортилди.

<sup>27</sup> ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича Вакилининг қуйидаги манзилда келтирилган танқидига қаранг: <http://www.osce.org/fom/123275>.

<sup>28</sup> 5 декабр куни ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ бешта телестанция ва саккизта газетани кузатиб бориш фаолиятини бошлади. Мониторинг қилинаётган телевидение каналлари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон, Тошкент, UzReport TV, Yoshlar. Мониторинг қилинаётган газеталар қуйидагилардан иборат: Адолат, Даракчи, Народное слово, Миллий тикланиш, Ўзбекистон овози, Правда востока, Халқ сўзи, XXI Asr

Аммо, айни чоғда EXXT/ДИИХБ СКЧМ мониторинг олиб борилган барча ОАВларда кампания бўйича муҳаррирлик репортажлари сезиларли даражада кам бўлганлигини қайд этди. Мониторинг олиб борилган барча телевединие каналларидағи муҳаррирлик репортажларига ажратилган вақт жамланганида кунига бор-йўғи тахминан 13 дақиқани ташкил этди. EXXT/ДИИХБ СКЧМ томонидан кузатилган чекланган муҳаррирлик дастурлари орасида “O’zbekiston” ва “Toshkent” каналлари сиёсий партиялар борасида деярли бир хил даражадаги маълумотларни ёритган бўлса, “UzReportTV” ва “Yoshlar” каналлари ЎзЛиДепга бир оз ён босдилар<sup>29</sup>. EXXT/ДИИХБ СКЧМ томонидан мониторинг олиб борилган даврда босма нашрлардаги муҳаррирлик репортажларининг чекланган микдорда бўлганлигига асосланган ҳолда, давлатга қарашли бўлган газеталар орасида иккитаси барча сиёсий партияларга нисбатан бир хилдаги эътибор қаратган бўлса, биттаси “Миллий Тикланиш” ЎзДПга ва яна бири ЎзЛиДепга мойиллик қилганлиги кўзга ташланди<sup>30</sup>.

Мониторинг олиб борилган телевединие каналлари ва давлат газеталаридағи барча муҳаррирлик репортажлари ижобий ёки нейтрал оҳангларда бўлди. Сиёсий партияларнинг мониторинг олиб борилган газеталарининг биттадан ташқари барчасида муҳаррирлик репортажининг барчаси ижобий оҳангларда ўз партияларига бағишладилар<sup>31</sup>.

### **Шикоятлар ва аппеляция**

Номзодлар, партиялар, сайловчилар ва кузатувчилар сайлов комиссияси қарорлари устидан юқори мартабали сайлов комиссиясига ёки фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи биринчи масъул (туман) судига мазкур қарорлардан кейинги 10 кун ичida шикоят қилишлари мумкин. Ушбу муассасаларга қарор қабул қилиш учун уч кун муддат белгиланган. Сайловгача олти кундан кам муддат қолгарда масъул идора дарҳол

<sup>29</sup> “O’zbekiston” ва “Toshkent” каналлари бу мавзудаги ўз эфирларининг 32 ва 29 фойзларини ЎзЛиДепга, 25 ва 28 фойзини “Адолат” ЎзСДПга, 24 ва 22 фойзини “Миллий тикланиш” ЎзДПга, 20 ва 21 фойзини ЎзХДПга бағишладилар. Такқослаш учун “UzReportTV” ва “Yoshlar” телеканаллари бундай эфирларининг 53 ва 39 фойзини ЎзЛиДепга бағишлаган бўлсалар, “Адолат” ЎзСДПга 11 ва 18 фойз, “Миллий Тикланиш” ЎзДПга 25 ва 18 фойз, ЎзХДПга 11 ва 25 фойз ажратганлар.

<sup>30</sup> “Даракчи” муҳаррирлик репортажининг 29, 29, 17 ва 25 фойзларини ЎзЛиДеп, “Адолат” ЎзСДП, “Миллий Тикланиш” ЎзДП ва ЎзХДПга бағишлади. “Халқ сўзи” ўз муҳаррирлик репортажининг 32, 23, 23 ва 22 фойзларини мос равишда ЎзЛиДеп, “Адолат” ЎзСДП, “Миллий Тикланиш” ЎзДП ва ЎзХДПга ажратди. “Народное слово” бу борада эътборининг 50 фойиздан “Миллий Тикланиш” ЎзДП ва ЎзХДПга қаратди ва бошқа сиёсий партияларга ишини умуман ёритмади. “Правда Востока” ўз муҳаррирлик репортажининг 46, 27 ва 27 фойзларини мос равишда ЎзЛиДеп, “Миллий Тикланиш” ЎзДП ҳамда ЎзХДПга ажратган ҳолда “Адолат” ЎзСДПга умуман эътибор қаратмади.

<sup>31</sup> “Адолат”, “Миллий Тикланиш” ва “XXI Аср” (ЎзЛиДепга қарашли) ўз муҳаррирлик репортажларини тўладигича ижобий оҳангларда ўз партияларига қаратдилар. Айни чоғда “Ўзбекистон овози” (ЎзХДПга қарашли) ўз репортажларининг 9 фойзини салбий оҳангларда бошқа сиёсий партияларнинг фаолиятига бағишлади.

қарор чиқариши лозим бўлади. МСК қарорлари юзасидан шикоятлар Олий Судга тақдим этилиши мумкин. Қонунга кўра шикоятчилар ўз аризалари судларда ёки сайлов комиссияларида кўриб чиқилаётганида қатнашишлари мумкин. Умуман олганда, муаммолар расмий йўллардан кўра, норасмий тарзда ҳал этилиши афзал кўрилади. Бугунги кунга қадар на МСК, на ОСКлари ва на судларга сайлов кунидан олдин сайлов жараёни бўйича ҳеч қандай расмий шикоят келиб тушмаган.

### **Фуқаролик ташкилотлари кузатувчилари ва халқаро кузатувчилар**

Қонунда сайловлар хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва уюшмалардан келган халқаро кузатувчилар томонидан кузатилиши кафолатланган. Ушбу сайловларни кузатиш учун МСК томонидан ЕХХТ/ДИИҲБ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти, Сайловни Бошқариш Органлари Бутунжаҳон Ассоциациясидан келган халқаро кузатувчилар ҳамда хорижий сайлов комиссиялари ва расмий вакилларига аккредитация тақдим қилди. Ҳаммаси бўлиб, халқаро ташкилотлардан 65 та вакил ҳамда хорижий делегациялардан 273 та кузатувчига аккредитация тақдим этилди.

“Сайлов тўғрисидаги” қонунда шунингдек ўз номзодларини таклиф қилган сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситаларига сайлов жараёнини кузатиш имкони берилган. МСК тақдим этган маълумотларга кўра ОСКларида 16 декабрга қадар партияларнинг 35 203 та вакилига аккредитация берилган бўлиб, улардан 8 853 таси ЎзЛиДеп, 8 967 таси “Миллий Тикланиш” ЎзДП, 8 883 таси “Адолат” ЎзСДП ҳамда 8 500 таси ЎзХДПга мансуб. Бундан ташқари, барча партиялар УСКларда овозларни санаш жараёнида қатнашиш учун бир хил сондаги “ваколатли вакилларни” тайинладилар.

ЕХХТ/ДИИҲБ нинг олдинги тавсияларига қарамасдан ҳамда ЕХХТнинг 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген Ҳужжати қоидалари ва халқаро ижобий амалиёт тартибларига зид равишда қонунчиликда фуқаролик ташкилотлари учун кузатувчиликни амалга ошириш имконияти назарда тутилмаган бўлиб, бу жараённинг шаффоф бўлишини маълум даражада чекланишига сабаб бўлади<sup>32</sup>.

<sup>32</sup>

ЕХХТнинг 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген Ҳужжатининг 8-параграфида қуйидагилар кўрсатилган: “Аъзо давлатлар кузатувчиларнинг, яъни ҳам хорижий ҳамда маҳаллий кузатувчиларнинг иштироки сайловлар олиб борилаётган давлатлардаги сайловлар жараёнини тақомиллаштириши мумкинligини назарда тутадилар.” Венеция Комиссияси “Ижобий амалиёт кодекси”нинг II Боби, 3.2-абзацида қуйидагилар таъкидланади: “Ҳам маҳаллий ҳамда халқаро кузатувчиларга сайловни кузатиш фаолиятида қатнашишлари учун имкон қадар кенг имкониятлар тақдим этилиши лозим.”

## **Сайлов куни**

Овоз бериш жараёни самарали ва ошкора тарзда ўтказилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф буюрган УСКлар кўплаб сайловчиларга тўсқинсиз ташриф этиш имконини берган бўлсада, баъзи бир УСКлар ногиронлар ташрифи учун муаммолар тугдирди. Бир неча УСКлардар, ҳеч қандай ҳуқуқий асосларсиз УСК вакиллари вазифаларини бажарувчи шахс сифатида фаолият олиб бориш ҳолатлари кузатилди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари сайловчиларнинг шахсиятини тасдиқлаш доим ҳам амалга оширилмаганини таъкидлашди. Деярли барча УСКларда, сайловчилар рўйхати текширилганда бир хил имзоларнинг мавжудлиги ва бир неча шахслар номидан овоз бериш ҳолатлари кўплаб учради. Мазкур ҳолатлар жавобгар шахслар томонидан эътиборсиз қолдирилди. Бу тенглик асосида овоз бериш, яъни ЕХХТ нинг 1990 йилги Копенгаген Ҳужжатининг 7.3 параграфига мос келмайди<sup>33</sup> ва МСК маълумотига кўра сайловда рўйхатга киритилган умумий сайловчиларнинг 88 фоизи сайловда иштирок этиши кўрсаткичига таъсир этган бўлиши мумкин. Сайловларнинг маҳфилик принципини сақлаш мақсадида МСКнинг оиласиий сайлаш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора тадбирларига қарамай гуруҳ ёки оиласиий сайлаш ҳолатлари кузатилди.<sup>34</sup> ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф буюрган УСКларда партия томонидан тайинланган вакиллари пассивлиги ва сайлов жараёни бўйича ҳеч қандай расмий шикоят келиб тушмаганлиги кузатилди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф буюрган сайлов участкаларининг иши яхши ташкиллаштирилган, аммо саноқ пайтида ва ишлатилмаган бюллетенларни йуқотиш жараёни пайтида баъзи хатоликларга йул қўйилганлиги таъкидланди. Шуни таъкидлаш лозимки, протоколлар натижаларида нашрдан чиқсан барча бюллетенлар сони ёки кути ичиди топилган бюллетенлар сони, овоз берилган бюллетенлар сонига мослиги қонунда кўрсатилмаган. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф буюрган ОКСларда сайлов натижаларни аниқлаш жараёни ошкора тарзда ўтказилди.

**Уибу ҳисоботнинг Инглиз тилидаги матнигина расмий ҳужжат ҳисобланади.  
Унинг Ўзбек ва Рус тилидаги норасмий таржималари мавжууд.**

<sup>33</sup> Копенгаген Ҳужжатининг 7.3 параграфига қаранг. Унда ЕХХТга аъзо давлатлар “Фуқароларнинг универсал ва тенглик асосида овоз бериш кафолатлари” лозимлиги кўрсатилган. “Инсон Ҳуқуқлари Умужаҳон Декларицияси” нинг 21.3 моддаси ва “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро битим”нинг 25 модда, “b” бандига қаранг

<sup>34</sup> Копенгаген Ҳужжатининг 7.4 параграфига қаранг. “Фуқароларга бюллетенларнинг кутиларга маҳфий тарзда ташланиши ва тенглик асосида овоз бериш кафолатлари” лозимлиги кўрсатилган.

---

**МИССИЯ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ ВА МИННАТДОРЧИЛИКЛАР**

---

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ Тошкент шаҳрида 2 декабр куни ўз фаолиятини бошлади. Элчи Даан Вильям Эверст бошчилигидаги миссия Тошкент шаҳрида жойлашган 12 кишидан иборат асосий жамоа ҳамда Ўзбекистон бўйилаб тарқатилган 8 кишидан иборат узоқ муддатли кузатувчилардан ташкил топган. СКЧМ аъзолари ЕХХТга аъзо бўлган 16 та мамлакат вакилларидан йиғилган.

Кузатувчилар сайловни кузатиш учун юборган таклифлари учун ҳукумат органларига ҳамда кўрсатган ёрдамлари учун МСК ва ТИВга ўз миннатдорчилигини билдиради. Шунингдек кузатувчилар кўрсатган ҳамкорликлари учун бошқа давлат муассасалари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда халқаро ҳамжамият вакилларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

Кўшимча маълумотлар учун, марҳамат қилиб мурожаат қилинг:

- Элчи Даан Эверст жаноблари, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ раҳбари, Тошкентда (+998) 90 988 40 34)
- ЕХХТ/ДИИХБ спикери Томас Раймер (+48 609 522 266), ёки Александр Шлык – Сайлов бўйича маслаҳатчи, Варшавада (+48 695 909 903).

**ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ манзили:**

Тошкент шаҳри  
Миробод тумани 100700  
Чехов кўчаси, 32.  
ИНКО Бизнес Маркази, 6-қават.  
[www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan](http://www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan)